



## ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ

Азбергенова Мунира Чаржаўвна

ҚДУ талабаси

[muniraazbergenova5@gmail.com](mailto:muniraazbergenova5@gmail.com)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11170317>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 02-May 2024 yil

Ma'qullandi: 05-May 2024 yil

Nashr qilindi: 10-May 2024 yil

### KEY WORDS

жиноий жазо, жиноий  
жавобгарлик, мажбурлов  
чоралари, вояга етмаган шахс,  
тарбиялаш, қонунчилик.

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада вояга етмаганларга нисбатан қўлланиладиган мажбурлов чораларининг тушунчаси ва турлари, узр сўраш, етказилган зарарни ўз маблағи ҳисобидан ёки меҳнати билан тўлаш ёки бартараф қилиш, махсус ўқув тарбия муассасасига жойлаштириш тартиби ҳақида батафсил ёритилган. Шу билан бир чет эл давлатларининг жазо тизимида, хусусан Арманистон давлатида вояга етмаганларга нисбатан қўлланиладиган мажбурлов чораларининг ўзига хослиги, қўлланиш тартиби ўрганилган ва таҳлил қилинган.*

Вояга етмаганларни жиноий жавобгарликка тортишда асосий жазо турлари ўрнига уларнинг жисмоний ва маънавий ривожланишига салбий таъсир кўрсатмайдиган чораларнинг қўлланилиши Жиноят кодексига назарда тутилган инсонпарварлик ва одиллик принципларининг яққол намоёнчаси десак хато қилмаган бўламиз.

Жиноят содир этган вояга етмаган шахсларни мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилишнинг асосий мақсади ҳам жиноят содир этган вояга етмаган шахсни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш ҳамда келажакда содир бўлиши мумкин бўлган жиноятчиликнинг олдини олишдан иборат. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ жиноят содир этган вояга етмаган шахсларга ЖК нинг 88-моддасида белгиланган мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин. Мажбурлов чоралари тузилишига кўра бир-биридан фарқланади. Лекин, хар бир таъсир чораси вояга етмаганларни тарбиялашда ўз хусусиятига эга ҳисобланади.

ЖК нинг 88-моддасига мувофиқ вояга етмаган шахсларга нисбатан қуйидаги мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин; а) суд белгиладиган шаклда жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятини юклаш; б) ўн олти ёшга тўлган шахс зиммасига етказилган зарарни ўз маблағи ҳисобидан ёки меҳнати билан тўлаш ёки бартараф қилиш мажбуриятини юклаш; в) вояга етмаганни махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш.

Бундай тарзда вояга етмаганларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган мажбурлов чораларининг рўйхати

қонунда белгиланиши ушбу соҳадаги суд амалиётининг ягоналагини таъминлайди [1,Б-740].

а) суд белгилайдиган шаклда жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятини юклашни назарда тутувчи мажбурлов чораси энг энгил чора бўлиб, вояга етмаган шахснинг ўз қилмишида айбдорлигини тан олиши, жабрланувчига етказган зарари учун пушаймонлиги ва унга кечирим сўраб мурожаат қилишидан иборат. Вояга етмаган шахс жабрланувчидан оғзаки ёки ёзма равишда, кўпчиликнинг олдида ёки яққа тартибда узр сўрайди. Узр сўраш жойи, вақти ва тартибини суд белгилайди. Шунингдек, узр сўраш мажбуриятини юклаш тариқасидаги мажбурлов чораси ижро этилганлиги тўғрисида тегишли ҳужжат тузилади [2].

Қоида тариқасида, вояга етмаган шахсга нисбатан ушбу турдаги мажбурлов чораси, агар қилмиш маънавий зарар етказиш, жамоат тартибини бузиш билан боғлиқ бўлсагина қўлланилади, жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мулкига зарар етказилган бўлса, бундай чора қўлланилмайди [3,Б-740].

б) ўн олти ёшга тўлган шахс зиммасига етказилган зарарни ўз маблағи ҳисобидан ёки меҳнати билан тўлаш ёки бартараф қилиш мажбуриятини юклаш.

Ушбу нормадан кўриниб турганидек мазкур мажбурлов чораси шахс фақат ўн олти ёшга тўлганда, ўз шахсий маблағига эга бўлгандагина қўлланиши мумкин. Чунки, юқорида таъкидлаганимиздек ҳар бир мажбурлов чораси тарбиявий характерга эга, ҳамда жиноят содир этган ҳар бир вояга етмаган шахс буни амалда нотўғрилигини ҳис қилиши лозим.

Вояга етмаган шахс мазкур нормага мувофиқ зарарни қоплаш деганда, жиноят содир этиш вақтида мулкни топшириш, пул маблағлари, валюта ва бошқа қимматликларни қайтариб бериш тушунилади. Зарарни бартараф этиш назарда тутилганда, зарар етказилган мулкни тузатиш, таъмирлаш ёки қайта тиклаш орқали мулкни олдинги ҳолига келтириш тушунилади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, зарарни қоплаш ёки уни бартараф этиш мажбуриятини юклашда, суд, хусусан, шахснинг мулкий ахволини жиддий текшириши, унинг меҳнатга лойиқлиги даражасини, зарарни қоплаш ёки уни бартараф этишга хоҳиши борлигини аниқлаши лозим. Шунингдек, суд томонидан ушбу мажбурлов чораси етказилган зарар миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баробаридан юқори бўлмаса, уни қоплаш мажбурияти юклатилиши мумкин. Бошқа ҳолларда етказилган зарар фуқаровий ҳуқуқий тартибда ундирилади.

в) вояга етмаган шахсни махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш.

Ушбу чора энг қаттиқ мажбурлов чораси ҳисобланади, шунинг учун ҳам суд томонидан ушбу турдаги мажбурлов чораси қўлланилаётганда ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсни бундай муассасага жойлаштириш учун уни бошқа йўллар билан тарбиялашнинг иложи йўқлиги, суд ҳукмида ишнинг аниқ ҳолатларига қараб асосланган тақдирдагина, бундай мажбурлов чорасини қўллашга йўл қўйилади. Шунинг учун ҳам вояга етмаганларга қаттиқ мажбурлов чораларини фақат бир ҳолатда, 18 ёшга тўлмаган шахсга қонунда назарда тутилган энгилроқ таъсир чоралари самарасиз бўлгандагина тайинлаш мумкин.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ махсус ўқув-тарбия муассасаларига ихтисослаштирилган мактаблар ва ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари

киради.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига ўн бир ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган, таъминлаш, тарбиялаш ва таълим бериш учун алоҳида шароитларга муҳтож вояга етмаганлар қуйидаги ҳолларда уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга жойлаштирилиши мумкин, агар улар: ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган ёхуд руҳий ҳолатининг бузилганлиги билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқанда қолиши оқибатида содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равишда англаб етишга қодир бўлмаган бўлса; айбдорлиги тўғрисидаги масала ҳал қилинмай туриб жиноий жавобгарликдан озод қилинган, материаллар болалар масалалари бўйича комиссияга кўриб чиқиш учун топширилган бўлса; ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш тариқасидаги мажбурлов чораси қўлланилган ҳолда жиноий жазодан озод қилинган бўлса; яқка тартибдаги профилактика иши олиб борилаётганлигига қарамай ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир қилишни давом эттираётган бўлса [4].

Мажбурлов чоралари тарбиявий аҳамиятга эга. Бошқача айтганда, улар жиноий жазо хусусиятига эга эмас, қилмиш учун жазони келтириб чиқармайди, балки вояга етмаган шахсга ўз қилмишининг нотўғри эканлигини тушинтиришга ҳаракат қилади.

Мазкур мажбурлов чораси бир қатор давлатларнинг қонунчилигида назарда тутилган бўлиб, моҳияти ва қўлланиш шартлари жиҳатидан ҳар бир давлатда ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Мисол учун Арманистон жиноят қонунчилиги 91-моддасига мувофиқ суд вояга етмаган шахсга нисбатан қуйидаги мажбурий интизомий жазо чораларини тайинлаши мумкин: 1) огоҳлантириш; 2) ота-онасига, ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларга, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ёки маҳкумнинг хулқ-атворини назорат қилувчи ваколатли органларга 6 ойгача бўлган муддатга назоратга топшириш; 3) суд томонидан белгиланган муддатда етказилган зарарни юмшатиш мажбуриятини юклаш; 4) бўш вақтни чеклаш ва хулқ-атворга алоҳида талабларни белгилаш (6 ойгача). Бу турдаги мажбурий интизомий чораларни қўллаш орқали вояга етмаган шахс жиноий жавобгарликдан озод қилиниши кўрсатиб ўтилган.

Миллий қонунчилигимиздан фарқли ўлароқ Арманистон давлатида вояга етмаган шахсга нисбатан бир неча параллель интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин.

Арманистон ЖК нинг 92-моддасида мажбурий интизомий чораларнинг моҳияти тушинтирилган бўлиб, Унга мувофиқ,

1. Огоҳлантириш-вояга етмаган шахсга унинг қилмиши билан етказилган зарар ва ушбу Кодексда назарда тутилган жиноятларни такроран содир етиш оқибатлари тўғрисида тушунтиришдир.

2. Ота-онасига, ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларга, маҳкумнинг хулқ-атворини назорат қилувчи ваколатли органларга ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларига назоратга топшириш- вояга етмаганнинг хатти-ҳаракати устидан интизомий таъсир кўрсатиш ва назорат қилиш мажбуриятини юклайди.

3. Етказилган зарарни юмшатиш мажбурияти- вояга етмаганнинг мулкӣ

аҳволини ва тегишли меҳнат қобилиятининг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда юкланади.

4. Бўш вақтни чеклаш ва хулқ-атворга алоҳида талабларни белгилаш-муайян жойларга, маълум ўтган вақтларга боришни, шу жумладан механик транспорт воситаларини ҳайдашни, куннинг маълум бир вақтида уйдан ташқарида бўлишни тақиқлашни назарда тутиши мумкин; маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органининг рухсатсиз саёҳат қилиш. Шунингдек, вояга етмаганлар ўзини ўзи бошқариш органининг илтимосига биноан таълим муассасасига қайтиши ёки ишга жойлаштирилиши талаб қилиниши мумкин.

Шу билан бирга Арманистон ЖК нинг 93-моддасига мувофиқ вояга етмаган шахсни махсус ўқув-интизомий ёки тиббий-интизомий муассасага жойлаштириш орқали жазодан озод қилиши мумкин. Бу турдаги интизомий жазо оғир бўлмаган ёки ўртача оғирликдаги жиноят содир етган вояга етмаган шахс, агар суд жазонинг мақсадига вояга етмаганни ихтисослаштирилган тарбия ва интизомий ёки тиббий-интизомий муассасага жойлаштириш орқали эришиш мумкин деб топса, жазодан озод қилиниши мумкин. Ихтисослаштирилган ўқув-интизомий ёки тиббий-интизомий муассасага тайинлаш уч йилгача, лекин мутахассислик бўйича зарур болган муддатдан ортиқ бўлмаган муддатга амалга оширилади [5].

Арманистон жиноят қонунчилигин таҳлил қилган ҳолда миллий қонунчилигимизга вояга етмаганларга қўлланиладиган мажбурлов чоралари тизимига вояга етмаганларнинг бўш вақтни чеклаш ва хулқ-атворга алоҳида талабларни белгилаш каби мажбурлов чорасини қўллаш масласини кўриб чиқишимиз лозим. Сабаби, ушбу мажбурлов чораси вояга етмаганларнинг ўз содир етган жиноятларининг моҳиятин тезроқ англашга ва хулқ-атворин яхши томонга ўзгартишга кўмаклашади. Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларга хулоса сифатида айтиш жоизки, мажбурлов чоралари жазога нисбатан маълум бир афзалликларга эга, чунки бу турдаги мажбурлов чоралари билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган вояга етмаган шахсларни ўз оиласи ва жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мақсадига эришишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм/ М.Рустамбоев.-Тошкент:«Yuridik adabiyotlar publish»,2021.-784 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси <https://lex.uz/ru/docs/163629#169239> 27.04.2023 й., 03/23/833/0236-сон)
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм/ М.Рустамбоев.-Тошкент:«Yuridik adabiyotlar publish»,2021.-740 б.
4. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 29.09.2010 йилдаги ЎРҚ-263-сон <https://lex.uz/ru/docs/1685726#1686076> 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон)
5. Criminal code of the republic of Armenia.Legislation: National Assembly of RA <http://www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=1349&lang=eng>